

“Тасдиқлайман”



Ўзбекистон Республикаси  
Сув хўжалиги вазири

*Ш.Хамраев*  
Ш.Хамраев  
“14” декабрь 2018 йил

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг  
очиқ хайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг  
ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги очиқ хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

2. Мазкур Низом талаблари вазирлик томонидан очиқ хайъат мажлисида иштирок этиш учун таклиф этилган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

3. Вазирликнинг хайъат мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Вазирликнинг очиқ хайъат мажлисларини ташкил этиш ҳамда унда ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратишга вазирликнинг 2018 йил 20 сентябрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хайъати аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 715-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 1/1-сонли хайъат қарори билан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хайъати масъул котиби (Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси) ҳамда Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўъбаси масъул ҳисобланади.

5. Вазирликнинг очиқ хайъат мажлислари кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

6. Вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ахборот стендида очиқ хайъат мажлисларининг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт ҳамда бошқа зарур ахборотлар мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин жойлаштирилиши шарт.

**II боб. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ хайъат мажлисларида  
қатнашишини ташкил қилиш**

7. Ахборотдан фойдаланувчи очиқ хайъат мажлисларида қатнашиш учун вазирликка сўров билан мурожаат қилади. Сўров Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчининг идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўровлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

8. Ахборотдан фойдаланувчи очик ҳайъат мажлисида қатнашиш учун вазирликка сўров билан мурожаат қилган тақдирда, ушбу сўров шу куннинг ўзида махсус журналда рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади. Мазкур журнал Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати масъул котиби томонидан юритилади.

9. Сўровга асосан ҳайъат масъул котиби ахборотдан фойдаланувчини очик ҳайъат мажлисида иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу ҳақда уни хабардор қилади. Очик ҳайъат мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчиларга маълум қилинади.

10. Ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлисига шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида киритилади.

11. Ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлисига келмаган тақдирда, ҳайъат масъул котиби томонидан бу ҳақда махсус журналга ёзиб қўйилади.

12. Очик ҳайъат мажлисининг ўтказилиши режалаштирилган залнинг ташкилий-техник имкониятлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар сонидан келиб чиқиб, улар учун жой тайёрланади. Ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга махсус журналдаги қайд этиш кетма-кетлиги асосида жойлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар сонининг кўплиги сабабли, уларни очик ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, улар очик ҳайъат мажлисининг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилиши мумкин.

13. Очик ҳайъат мажлисида иштирок этиш истагини билдирган ахборотдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш мажлис ўтказилиши режалаштирилган кунга бир иш куни қолганда тўхтатилади.

14. Ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлиси бошлангунга қадар белгиланган жойга етиб келиши, рўйхатдан ўтиши ва белгиланган жойга ўтириши лозим. Ахборотдан фойдаланувчилар ҳайъат йиғилишига раислик қилувчи томонидан мажлис бошланганлиги эълон қилингандан сўнг келган тақдирда, кечикиб келган ҳисобланади ва ҳайъат мажлисига киритилмайди.

15. Ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлисининг тасдиқланган Регламентида белгиланган тартибда мажлисда ҳайъат аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

16. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан ҳайъат мажлислари давомида ҳайъат мажлиси муҳокамасига тааллуқли бўлмаган ва ушбу мажлисда муҳокама қилинмаган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган ёки саволлар билан мурожаат этилган тақдирда, унга мазкур масала бўйича ахборот олиш тартиби тушунтирилади.

17. Ахборотдан фойдаланувчи ҳайъат мажлиси ўтказиладиган вақтда тартибни бузмаслиги шарт. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказиладиган вақтда тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.


Ахборотдан фойдаланувчи тартибни такроран бузган тақдирда, у раислик қилувчи томонидан мажлис ўтказиладиган залдан чиқариб юборилади. Мазкур ҳолат юзасидан ҳайъат масъул котиби далолатнома тузади ва далолатнома раислик қилувчи томонидан имзоланади.


18. Ахборотдан фойдаланувчиларга очик ҳайъат мажлисини фотосуратга, видео тасвирга олишга, овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.


19. Ҳайъат мажлиси баённомасида очик ҳайъат мажлисларида қатнашган ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштироки ҳақида тегишли маълумотлар кўрсатилиши лозим.


### III боб. Яқуний қоида

20. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши билан боғлиқ барча тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тартибга солинади.

  
(Мамутов)

  
(Ҳузубоев)

  
(Р.Назиев)

  
(В.Норинна) 3